

## Баркамол авлод тарбиясида бадиий адабиёт ва жонли сўз

ЎзДСМИ, “Саҳна нутқи” кафедраси мудири,  
доцент Ходжиматова М.

“Инсонни, унинг маънавий оламини кашф  
этадиган яна бир нарса борки, у ҳам бўлса, сўз  
санъати, бадиий адабиётдир.”[1. 136]

Каримов И.А.

Адабиёт сўз санъатидир. У инсон қалби ва руҳидаги нозик товланиш ва оҳангларни илғашга, уларни сўз воситасида акс эттиришга интилади. Сўзлар бадиий матннинг юзага келишига омил бўлади. Аммо ҳар қандай матн ва сўзлар бадиий адабиётга дахлдор бўлавермайди. Бунинг учун сўз муайян бадиий эстетик вазифани бажариши лозим. Шунга кўра ҳам бадиий адабиёт воқеа-ҳодисаларни ёки инсоний кечинмалар, ҳис-туйғуларни баён қилмайди, балки уларни тасвирлайди. Тасвир сўзга таянади. Сўз сеҳр, мўъжиза билан ўзига маҳлиё қилади, ром этади. Шунинг учун гўдак аллага, кичик ёшдаги бола эртаққа, катталар бадиий ижоднинг турли кўринишларига ниҳоятда қизиқиб қарайдилар, уларнинг оламига кириб олгач, ўзларини ҳам шу оламга мансуб ҳисоблайдилар. Адабиётнинг таъсир кучи нимада? У нималарга боғлиқ? Бунинг учун йирик сўз санъаткорлари яратган кўплаб дурдона асарларнинг халқ орасида алоҳида ҳурмат ва эътибор қозонганлигини эслаш жоиз. Ўзбек халқининг ижодкорларга нисбатан алоҳида ҳурмат ва эҳтироми ҳам яхши маълумдир. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон-у-луғотит-турк” асарида “Ардам баши – тил” (“Барча фазилатларнинг боши тилдир”) деган мақол учрайди. Демак, тил ва бадиий сўзнинг қудратига қадим замонлардаёқ аждодларимиз алоҳида эътибор беришган. Сўз адиблар назарида ҳам алоҳида, мўътабар мавқега эга. Юсуф Хос Ҳожиб тил ва сўзга катта баҳо беради. У тилни билим ва ақл-идрок таржимони деб атайди.

Сўз – инсон фикрининг ифода воситаси. Бутун мақсад-вазифаси инсон ҳаётини гўзал тарзда тасвирлашга қаратилган актёр ижодида ҳам сўзнинг ўрни беқиёс. Сўзнинг баҳоси, кадри, аҳамиятини тўла англашиш, ҳис қилдириш

мақсадида талаба-актёрларни биринчи босқичда сўзнинг залвори билан зиммаларидаги маъсулиятни яна ҳам оғирлаштирмаслик лозим. Биринчи босқичда ўтилган барча ижодий техник машқлар талаба ижодий табиатининг органиклигини, табиийлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, мазкур машқлар бир вақтнинг ўзида сахнада сўзнинг аҳамиятини тушунишга, сўздан тўғри фойдалана олишга ва сўзлашув муносабатини тўғри йўлга қўйишга ўргатувчи назарий билим ва амалий машқлар учун маълум маънода пойдевор вазифасини ҳам ўтайди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида театр санъати таълимида ҳам актёрлар сўз орқали томошабинларга ижро этилаётган асарнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, юксак ижро маҳоратига эришишда бадиий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Театр санъатида мутахассислик фанлари каторида туруви “Сахна нутқи” фанининг илк палласиданоқ талабаларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларидан танлашга, талабанинг ўзи уни албатта ўқиб чиқиши, муаллифнинг бошқа асарлари билан ҳам танишиш ва уларни мушохада эта олиши босқичма-босқич амалга оширилади. Асарнинг бадиий таҳлил жараёни ҳам талабадан ва педагогдан катта маъсулият талаб этади. Танланган адабий матнларни ижрочиликка мослаб – муаллиф ғоясига путур етмаган ҳолда адабий монтаж қилиниб, ҳар бир талаба якка ўзи ижро этади. Бунда албатта оддийдан мураккабликка йўналтирилган услубдан фойдаланилади. Талабаларнинг якуний рейтинг кўрикларида ҳикоя, роман, қиссалар асосида кичик парчалар, воқебанд шеърлар, ғазаллар ижро этишлари келгусида сахна асарларида турли жанрдаги ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари энг сара драматургия намуналарида тўлақонли образ яратишларида замин бўлиб хизмат қилади. Актёр берилган шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолатда ўз юрагини қўшиб монолог ёки бўлмаса диологга киришади, унинг жонли чиқиши эса томошабиннинг қалбини ларзага келтириб хаттоки кўзларида ёш ҳам пайдо қила оладиган кучга эгадир.

Сўзнинг аҳамиятини, қадрини барча ижодкор, айниқса, адабиёт, қалам сохиблари жуда яхши тушунадилар. Юқорида актёр ижодининг асосий

куролларидан бири – ҳатти-ҳаракат дедик. Саҳнада ҳатти-ҳаракатни тўлдирувчи партнёр билан муносабат ўрнатишдаги муҳим восита сўз ҳисобланади.

Театрда нутқнинг вазифаси ҳаётдагидан бирмунча фарқ қилади. Актёрларнинг маълум ҳатти-ҳаракатни амалга ошириш мақсадида нутқдан фойдаланиш жараёни мураккаброқ ҳисобланади. Боиси, театрдаги томошавийлик сўзлашув муносабатининг ҳаётдагидек тўғридан-тўғри табиий ташкил топишига тўсқинлик қилади. Бунинг натижасида кўпчилик актёрлар пьесадаги персонажнинг айтадиган сўзи учун нутқдан фойдаланадилар. Улар ўз зиммаларига юклатилган вазифани чалкаштирган ҳолда сўз ёрдамида ҳатти-ҳаракат қилиш лозимлигини унутадилар. Саҳна нутқи жисмоний ҳаракат учун кўмакдош бўлиши керак. Актёр учун сўз образ тимсолида ўз мақсадига етиш йўлидаги кўмакчи восита ҳисобланади.

Саҳнавий сўз ўзида чуқур мазмунли, таъсирчан ҳатти-ҳаракатга эга эканлиги билан ажралиб туради. Унинг маъно, мазмун ва оҳангини актёр кенг қамровли ўрганиши ва турли таъсир этиш нуқталари - онг, тасаввур, ҳиссиёт доирасига йўналтиришни узлуксиз равишда машқ қилиши талаб этилади. Актёр ўз роли сўзларини ижод қилар экан, партнёрининг айнан қайси жиҳатига, яъни онги, тасаввури ва ёхуд ҳиссиётдан қайси бирига таъсир этишни мақсад қилганлигини аниқлаб олиши керак. Партнёрининг бирор-бир жиҳатига таъсир этиш мақсади аниқлаб олингач актёр ўз нутқининг мантиқли, ишончли ва таъсирчан чиқиши учун интилиши керак. Бунинг учун эса рол матнини аниқлаб, чуқур ўрганиши, уни қисмларга бўлиб, ҳар бир қисм маъно-мақсадини ва ниҳоят бутун бир матннинг маъно-мақсад, ғоясини ойдинлаштириб олиши керак. Мазкур вазифалар орасидан энг муҳими ва кўшимча иккинчи даражалиларини белгилаб олгач актёр ҳар бир сўзнинг бошқа бир сўздан маъноси, мақсади жиҳатидан фарқи ва муҳимлигини ўрганиши бирмунча осонроқ кечади. Бу эса ўз навбатида актёр учун оҳанг ва урғулардан тўғри фойдаланиш имкониятини яратади. Ушбу фикрлар юқорида

келтириб ўтганимиз актёрнинг нутқдан фойдаланиш борасидаги бирламчи вазифанинг муҳим ва керакли эканини исбот этади.

Актёр сахнада партнёрига нисбатан ўтказувчи таъсири мақсадини аниқ билсагина сўзлар хавога учмайди, балки маълум мақсадга йўналтирилган холда таъсирли ифодаланади. Миллий театр санъатининг дарғалари О.Хўжаев, Ш.Бурхонов, С.Эшонтўраеваларнинг яратган образлари хали хануз халқимиз ёдида сақланиб келади. Бугунги кунда уларнинг ижодий йўлларини йўқотмасликка, сахна санъатининг заҳматкашлари Ўзбекистон халқ артистлари Т.Азизов, Э.Комилов, Х.Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Н.Маҳмудовалар ва бир қанча сўз усталари, дикторлар, ёш актёрлар ўз тажрибаларини ёш авлодга сингдиришга ва буюк театр номоёндалари яратган мактабни сақлаб қолиш мақсадида институтимизда театр санъати таълимидан сабоқ бериб келишяпти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, театр санъатида жонли сўз ижрочилиги билан шуғулланувчи барча ижодкорлар айнан “Саҳна нутқи” фанининг таркибий қисмларини матн билан ишлашдаги барча таҳлилий жараёнларни чуқур ўрганишлари лозим. Сўз санъати – бадиий адабиёт миллий театр санъати ва ўзбек сахна нутқи мактабида актёрлик маҳоратининг шаклланишида пойдевор ҳисобланади. Театр санъатининг заҳматкашлари ва бадиий сўз санъати фидойилари бугунги кунда ҳам тўлиқ маънодаги миллатнинг кўзгуси, миллий ғоя, санъат ва маданият, маънавият ва маърифатнинг тарғиботчиларидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. “Юксак маънавият енгилмас куч” – Т.; Маънавият, 2008.
2. Джуманов И. “Бадиий сўз маҳорати” – Т.; Абу матбуот консалт, 2015.
3. Сайфуддинов А. “Адабий асар ва ижрочилик маҳорати” – Т.; Фан, 1980.
4. Исроилов М. “Диалоглар устида ишлаш” – Т.; Фан, 1996.